



150 IPU ASSEMBLY
PARLAMENTLARARO ITTIFOQNING
150-YUBILEY ASSAMBLEYASI
Toshkent - 2025

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИДА МУҲИМ ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК

Парламентлараро Иттифоқнинг
юбилей ассамблеяси мамлакатимизда ўтказилади ▶ 3



КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

▶ 4

2025-yil
29-mart
shanba
№39
(5103)

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Ўzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Фарғонада баҳор таровати


ФОТОЭТЮД



Суратда Чимён қишлоғи манзараси.
Жамшид ЭРҒАШЕВ олган сурат.

ФАКТ

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 37 037 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА
ТАШКИЛОТИДАН, 28 МАРТ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА,
29 452 ТАСИДА (79,5 %) МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ХИСОБОТ-САЙЛОВ
ЙИГИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ЎТКАЗИЛДИ.



МУНОСИБЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикасидаги бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловлар шаффоқлик, очиқлик, холислик асосида бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 238 нафар аъзоси бор Нукус филиалида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида кун тартибидagi қатор масалалар қўриб чиқилди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Уринбосари Баҳодир Султонов, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашининг Ташкилий ишлар бўлими мудири Гулнора Илмуродова, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бирлашган кўмитаси раиси Женисбой Аяпов, филиал директори Аманжол Аяпов ҳамда аъзолар иштирок этган йиғилиш баҳс-мунозара руҳида кечди.

Касба уюшмаси кўмитасининг 2020-2025 йиллардаги фаолиятига доир ҳисобот тинглангач, сайловчилар ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, меҳнат муҳофазаси борасидаги манфа-

атлари қай даражада ҳимоя қилингани ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Кимгадир елкадош бўлиш учун билим, тажриба, шижоат кераклигини таъкидлашди. Бу каби ҳислатларни ўзида жамлаган, филиал ишчи-ҳодимларига елкадош бўлиб келаётган касба уюшмаси кўмитаси раиси Бердақ Бежжанов очиқ овоз бериш йўли билан қайта сайланди.

– Институтимизда ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясидан ташқари уларнинг маданий ҳордиқ чиқариши масаласида муайян ишлар амалга оширилди. Бажарилган ишлардан қоровулдан тортиб, ўқитувчи-профессорларнинг ҳам кўнгли тўлди. Ўтган йили нафақат ўзим, балки оила аъзоларим ҳам санаторийда дам олиб қайтишди, – дейди институт кафедраси мудири Гулбахор Аҳимбетова. – Гап

бунда эмас, касба уюшмаси кўмитаси раисининг ўз вазифасини сидқидилдан бажаришида.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ, ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

Қизгин кечаётган ҳисобот-сайловларда бу сафар ёшлар пешқадамлик қилмоқда. Янгидан сайланганлар ҳам анчагина. Энди улар янада ташаббускор ва фаол бўлишга интилишади. Чунки уларга жамоаси қатъий ишонч билдирди.

Хусусан, Нукус шаҳридаги 2-сонли спорт мактабида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида 300 нафарга яқин аъзо қатнашди. Раисликка мактабда беш йилдан буён инструктор-методист сифатида фаолият юритиб келаётган Худияр Ержанов очиқ овоз бериш йўли билан янгидан сайланди. Шунингдек, Қўнғирот тумани «Uz-Kor Gas Chemical» қўшма корхонасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида полимер омборхона чеҳри смена бошлиғи Азамат Тлеумуратовга қўшилганда янги вазифа юкланди. Яъни у яширин овоз бериш йўли билан бўлиб ўтган сайловда қўшма корхонанинг касба уюшмаси кўмитаси раислигига айланди.

– Корхонамизда касба уюшмаси аъзолари сони 900 нафарни ташкил этиб, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилиб келинапти. Ушбу соҳада анча йиллардан буён фаолият юритиб келаётган бўлсам-да, янги вазифа мени барча ишчи-ҳодимларга янада яқинлаштиради, қолаверса, зиммамга қатъиятли етакчи бўлиш масъулиятини юклайди, – дейди Азамат Тлеумуратов.

«Тахياتош нефть базаси» МЧЖда ўтказилган ҳисобот-сайловда эса талабчан ходимлар ташаббус кўрсатиб, Алибек Дошжановни касба уюшмаси кўмитаси раислигига сайлашди. Шунингдек, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Нукус филиалида ўтказилган ҳисобот-сайловда қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилиб, фаолият кенг муҳокама қилинди. Шундан сўнг Гулчехра Казакбаева 168 нафар аъзога

эга касба уюшмаси кўмитаси раиси этиб қайта сайланди.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – БАРҚАРОР МЕҲНАТ КАФОЛАТИ

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиалидаги ҳисобот-сайлов йиғилишида касба уюшмаси ташкилотининг 2020-2025 йиллардаги фаолияти муҳокама қилинди ва Замир Хожаметовга яна ишонч билдирildi. Халқ банкининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиалида бўлган ҳисобот-сайловда эса касба уюшмаси кўмитаси раиси этиб Ойбек Калханов сайланди.

Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси бошланғич ташкилотларидаги ҳисобот-сайловлар ҳам шаффоқлик тамойиллариغا асосланди. Жумладан, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган конференцияларда Чимбой тумани тиббиёт бирлашмаси касба уюшмаси кўмитаси раислигига Пўлат Бабаназаровга, С.Султанов номидagi Республика фтизиатрия ва пульмонология маркази касба уюшмаси кўмитаси раислигига Роза Атажановага яна ишонч билдирildi.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш ҳам қизгин кечмоқда. Хусусан, Мўйноқ туманидаги 17-мактабгача таълим ташкилотидаги йиғилишда касба уюшмаси кўмитаси раисининг 2020-2025 йилларда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи тингланиб, қониқарли деб баҳоланди. Касба уюшмаси кўмитаси раиси этиб Айнура Таймаганбетова сайланди.

Қорақалпоғистонда касба уюшмалари ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён кизгин давом этмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасалар меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ишчи-хизматчилар энг фаол ходимларни етакчиликка муносиб кўришмоқда.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАРАКАТИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА



ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН САНЪАТ

Ўзбекистон касба уюшмалари саройида Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги ва 27 март – Халқаро театр кўни муносабати билан меҳмонлар жамулжам бўлишди.



Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бошчилигида ташкил этилган тадбирга касба уюшмалари тизимида ишлаётган ходимлар таклиф этилган бўлса, ўзбек санъатининг фидойи намояндалари – Бернора Қориева, Хайрулла Саъдиев, Сулаймон Шодмонов, Зинаида Соловей, Баҳодир Назаров каби дарғалар азиз меҳмон бўлишди.

– Бугун жуда бахтиёрман, – дейди таниқли театр актёри ва режиссёр Хайрулла Саъдиев. – Отам – Ҳабиб Саъдиев мана шу сахнада роль ижро этган. Уймида ўша пайтларда олинган суратлар бор. Шунинг учун бу даргоҳ биз ва оиламиз учун жуда азиз. Шўқри, бир пайтлар бизнес масканига айланган, кейинчалик қаровсиз қолиб кетган бу бино касба уюшмаларининг сайё-ҳаракати билан яна табарруқ масканга айланди. Унга қайта ҳаёт берилди. Мен ва укам Ёдгор Саъдиевга ҳам отамнинг қадамлари теккан ушбу муқаддас сахнага чиқиш nasib этди. Шу сабаб доим бу ерга ҳаяжон ва хурсандчилик билан келаман. Бугун эса шоғирдларим меҳмонлар учун спектакль қўйишади.

Шундан сўнг томошабинларга ўзбек театри санъати тарихига оид «Театр. Инсон. Тафаккур» видеоролиги намойиш этилди.

Видеоролик намойиши жонли ижрога уланиб кетди. Меҳмонлар учун Ўзбекистон давлат санъат театрининг атоқли қирғиз ёзувчиси ва драматурги Мара Байжиевнинг «Дуэль» қиссаси асосида, режиссёр Жўрабек Рўзиметов томонидан саҳналаштирилган «Қалбим соҳили» спектакли намойиш этилди. Унда ёш актёрлар Бобур Айтбағамбетов, Жаҳонгир Қўчқоров, Моҳинисо Зайниддинова ўз ролларини маҳорат билан ижро этишди.

Томоша тугагач, анчагача олқишлар тинмади. Бу инсон ва унинг қалби, ҳаёт моҳиятини, ҳақиқат ва бахтни англаган ҳолда яшаши лозимлигини аниқлатувчи драма учун театр жамоасига миннатдорлик белгиси эди. Ушбу асар ўзининг умуминсоний ғоялари туйғайли узоқ йиллардан буён дунёнинг 20 дан ортиқ давлати саҳналарида намойиш этилиб, ҳозиргача санъат ихлосмандларига манзур бўлмоқда.

Зебо НАМОЗОВА,
Дирёбк ҒАНИЕВ,
«Ishonch» мухбирлари

Маълумот учун: Юртимизда илк театр жамоаси 1913 йил ўрталарида ҳаваскорлар труппаси сифатида тузилган. 1914 йил февралда уларнинг ижросида Маҳмудхўжа Бехбудий қаламига мансуб «Падарқуш» пьесаси ҳозирги Касба уюшмалари саройи, ўша пайтдаги «Коллизей» санъат даргоҳида сахнага олиб чиқилган. Театр пардаси очилишидан аввал сахнага Мунавварқори Абдурашидхонев чиқиб, бутун жамоани буюк маданий ҳодиса билан табриклаган. Ана шу биринчи спектакль, ана шу чиқиш ўзбек миллий театрининг тамал тоши бўлиб қолди ва кейинчалик улкамизда соҳа аста-секин ривожланиб борди.

ЁЛҒОН ЖАВОБ БЕРИШДАН УЯЛМАЙСИЗМИ?



ГУЛСАРА ХУДАКОВА РОМИТАН ТУМАНИ-ДАГИ «WBM ROMITEX DIBOMM» МЧЖДА ОПЕРАТОР ЛАВОЗИМИДА ИШЛАЙДИ. У 1211 РАҚАМЛИ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»ГА КЎНҒИРОҚ ҚИЛДИ ВА МАОШИ КЕЧИКИШИДАН НОРОЗИ ЭКАНИНИ АЙТДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, ИШ ҲАҚИ ОШИРИЛИШНИ ИСТАЁТГАНИНИ, ҚОЛАВЕРСА, И ГУРУҲ НОГИРОНИ БЎЛГАНИ САБАБЛИ ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР УЧУН ҚОРХОНАДА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОРЛИГИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ОЛМОҚЧИ ЭКАНЛИГИНИ БИЛДИРДИ.

ХУДАКОВА МИННАТДОРЛИК БИЛДИРДИ

Мурожаат Ромитан тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан тезкорлик билан ўрганиб чиқилди. Натижада Гулсарага ойлик маоши ўз вақтида тўлаб берилди. Шунингдек, у ногиронларга бериладиган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлди. Пировардида келгусида ойлик маошлар миқдори қорхона даромадига қараб оширилиши юзасидан иш берувчи билан келишувга эришди.

Гулсара ўзини ташвишлантирган муаммолар ижобий ечим толагандан хурсанд.

Зеро, касабга уюшмалари ҳаммиша ҳодимлар билан бирга!

Дилдора ИБРОХИМОВА
«ISHONCH»

1211 рақамли «Ишонч телефони» хотин-қизларга ҳар жиҳатдан кўмакдош бўлиб келмоқда. Call-centerга келиб тушган ҳар бир мурожаат ижроси бўйича мунтазам назорат ўрнатилган. Қийин вазиятга учраганларнинг «дарди» мутасаддилар эътиборига ҳавола этилиб, ижобий ечим топмагунча назоратдан чиқарилмайди.

Жомбой тумани Найман қишлоғида яшовчи Гулмира Сафарова ҳам касабга уюшмаларига илинж билан мурожаат қилди. Тўғри, у пул ҳам, бошқа ашёлар ҳам сўрамади. Турмуши бузилиб, 2 нафар фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаётган ногирон аёл оёққа турмоқчи. Қўрасида кўй, оғилхонасида мол бўлса, қаддини тиклаб олишига ишонади. Аммо уларни сотиб олишга кўли калталик қилаётган экан. Кредит ажратилишида ёрдам берилишини истади.

Аслида бу масаланинг ҳар бир ҳудудда масъуллари бор. Камбағал оилалар билан ишловчи ташкилотларга давлат томонидан бир олам ваколатлар ҳам бериб қўйилган. Аммо касабга уюшмалари кўмак сўровчининг раъйини қайтармади. Мурожаат ўз вақтида мутасаддилар эътиборига ҳавола этилди. Жорий йилнинг 3 март куни масаланинг ечими тўғрисида туман ҳокими Х.Назаров имзолаган хабарни ҳам олдик. Унда Гулмира Сафаровага миллий банкнинг туман филиали томонидан ўн миллион сўм миқдорига чорва кредити ажратилиб,

муаммо ҳал этилгани «мамнуният» билан маълум қилинган.

Бир муҳтожнинг ташвиши ариса ким ҳам енгил тортмайди, дейсиз. Ахир ўз аравамни ўзим тортаман, дея интилаётган одамни қўллашдан ҳам ортиқ савобли иш борми? Шундай бўлса-да, найманлик Гулмира Сафаровага кўнғироқ қилиб, ҳол сўрадик...

«Ишонч телефони»га чиққанимдан сўнг мени маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Шаҳбоз Ўктамов идорага чақирди, — деди у. — Менга чорва кредити олишим учун банкка «онлайн» ариза беришим лозимлигини тушунтириб, мурожаатим ҳал бўлди, эътирозим йўқ, деб ёздириб олди. Мен унинг «Бу масала назоратимизда бўлади», деган гапларига лаққа тушибман...

Дарвоқе, аёл банкка берган чорва кредити сўровига жавобни кўп кутмади. Орадан икки-уч кун ўтмасдан банкдан «Онлайн аризангиз рад этилди» деган «пишакнинг кулоғидек» хат келди. Бунга сабаб — аёлнинг қарздорлиги экан.

— Ўғлим дарс қолдиргани ту-

файли мактаб томонидан 400 минг сўм жаримага тортилганимдан, бу ҳақдаги қарор мажбурий ижро бюроси томонидан ижрога қаратилганидан мутлақо хабарим йўқ эди, — дейди Гулмира. — Ногиронлик нафақам чиқса, жаримани тўлайман. Аммо банкирларнинг «Энди кредит сўраб келманг, бу масалада эшикларимиз сизга ёпиқ», деган гаплари суяк-суягимдан ўтиб кетди...

«Камбағални урма, сўкма, кўйлагини йирт!» қабилидаги бу ишдан ҳайратландади киши. «Кўнғирот» маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси тўқанга ёлғонга кимсан — туман ҳокими кўзини чирт юмиб имзо чекканига қўйил қолмасдан иложингиз йўқ. Хўш, туманда фуқаролар мурожаатига берилган бундай ёлғон жавоблар қанча экан?

Нурилла
ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



ОРОМТОШНИНГ ОРОМИНИ КИМ БУЗДИ?

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани «Дам» МФЙда истиқомат қилувчи Оромтош Бойматова ва унинг турмуш ўртоғи кунлик юмушларга ёлланиб, рўзғор тебратиб келар эди.

Мамлакатимизда инсон кадрини улуглаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш борасида амалга оширилаётган ислохотлардан руҳланган эр-хотин имтиёзли кредит олиш ва уй шароитида чорвачиликни йўлга қўйишни режалаштиришди. Уларни тинглаган маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси имтиёзли кредит маблағлари олиб бериш учун зарур ҳужжатларни тўлаб, Халқ банкнинг туман филиалига топширади. Ингилган ҳужжатлар билан танишган банк ходимлари Оромтошнинг доимий иш жойи йўқлиги сабабли кафил бириктириш лозимлигини маълум қилишди. Турмуш ўртоғи ҳам доимий иш ўрнига эга эмаслиги сабабли бу талаб Оромтошнинг оромини бузди. Энди орузларимга эришаман, режаларим бўйича яшайман деганида ушбу муаммонинг келиб чиқиши уни ўйлантириб қўяди. Шундан сўнг у Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси қошида ташкил этилган Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилади.

— Мурожаатим ижобий ечим топганидан хурсандман, — дейди Оромтош Бойматова. — Ҳеч қандай кафиларсиз банк томонидан 10 миллион сўмлик маблағни пластик картмага ўтказиб беришди. Унга битта йирик шохли мол ва учта кўй сотиб олдим.

Оромтош ушбу кредит маблағларини 18 ой муддатта олибди. Лекин у май ойининг охирида кредит қарздорликларини тўлиқ ёпишни режалаштирмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Уч нафар фарзандим бор. «Аёллар дафтари»да рўйхатда турман. Турмуш ўртоғим билан «Жойимиз бор, чорва моли боқиш билан шуғуллансак, рўзгоримизга барака киради», деган фикрга келдигу, аммо уни сотиб олиш учун маблағ топиш масаласида ўйланиб қолдик. Шундан сўнг турмуш ўртоғим Нейматжон Усаров Бизнесини ривожлантириш банкнинг Гулистон филиалига чорва кредити сўраб мурожаат қилди. Банкдан ижобий жавоб ололмай хуноби чиққач, мен 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилишга мажбур бўлдим.

МУРОЖААТИМ БЕСАМАР КЕТМАДИ

Шундан сўнггина банк бизга зарур кредит ажратди. Эндиликда қорамол сотиб олиб боқяпмиз.

Яхшиямки, «Ишонч телефони» бор экан. Мурожаатим бесамар кетмади. Бунинг учун Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясига миннатдорчилик билдираман.

Азиза ЎСАРОВА
Гулистон шаҳри,
«Юқалиш» маҳалласи

Оламда БУГҒУН

Канада Бош вазири Марк Карни матбуот анжуманида мамлакатнинг АҚШга иқтисодий боғлиқлигини камайтириш ниятида эканлигини маълум қилди. Ушбу қарор Дональд Трамп маъмурияти юриятган тариф сиёсатига жавоб сифатида қабул қилинган.

«Биз муносабатга яраша жавоб қайтарамиз: Канада учун минимал йўқотишлар билан АҚШга зарба бе-

Канада бош вазири: АҚШ энди ишончли ҳамкоримиз эмас

рамиз», деди у. Карни Трамп билан яқин кунларда учрашув ўтказиш бўйича келишувга эришганини, суҳбат чоғида иш ўринларини муҳофаза қилиш ва Канада иқтисодий ва маданий ҳаётини қайта қуриш масалалари муҳокама қилинишини билдирди. 1 июлдан бошлаб мам-

лакатда вилоятлар ўртасидаги ички савдо тўсиқларини бартараф этадиган қонун кучга киради.

«АҚШ энди ишончли ҳамкоримиз эмас. Биз иқтисодий ва маданий ҳаётимиздаги муносабатларимизни қайта қўриб чиқамиз», деди Бош вазир.



Мьянмада зилзила

28 март куни Мьянманинг Мандалай шаҳри яқинида магнитудаси 7,7 бўлган зилзила содир бўлди. Зилзила Таиланд, Хитой, Вьетнам ва Ҳиндистонда ҳам сезилди.

Мьянмада вайрон бўлган бинолар вайронаси остида камида 30 киши ҳалок бўлди, улар орасида беш нафар бола ҳам бор. Мамлакат ҳукумати халқаро ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Таиланднинг Бангкок шаҳрида қурилаётган кўп қаватли

бино қулади — икки киши ҳалок бўлди, 50 дан зиёд одам жароҳатланди. Зилзила тўлқинлари пойтахтда ва эпицентрга яқин Чиангмай шаҳрида сезилди. Аммо туристик ҳудудлар — Пхукет ва Паттайя сейсмик фаолиятдан зарар кўрмади.



АҚШнинг Давлат самарадорлиги департаменти (DOGE) раҳбари Илон Маск давлат харажатларини 7 триллиондан 6 триллион долларгача камайтириш ниятида эканини маълум қилди. Бу бюджет тақчиллигини икки баробар қисқартириш имконини бериши мумкин.

Харажатларни 1 трлн. долларга қисқартириш таклиф этилди

Илон Маск Fox News телеканалига берган интервьюсида «ўта йирик сарф-харажатлар»ни танқид қилар экан, мисол тариқасида деярли 1 миллиард доллар сарфланган олдий сўровнома келтириб ўтди.

«Тасаввур қилиясизми, 10 та саволдан иборат олдий интернет-сўровнома ва бир миллиард доллар! Бу — абсурд», деди у.

Маск давлат секторига катта миқёсдаги молиявий сохтакорликлар мавжудлигини таъкидлади ва бутун бюджет сиёсати қайта кўриб чиқилишини ваъда қилди.

Ҳуқуқ ва халқаро
хаёт бўлими

Бугун дунёнинг турли нуқталарида мураккаб геосийосий жараёнлар, кескинлик ва иқтисодий тангликлар кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай мураккаб вазиятларда фаол ташқи сиёсат орқали халқаро майдонда миллий манфаатларни самарали илгари суриш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги тамомила янгича мазмун касб этаётган фаол ва прагматик ташқи сиёсат туфайли мамлакатимиз жаҳон сиёсатининг марказларидан бирига ва глобал ташаббуслар муаллифига айланаётгани ҳам бор гап.

Ҳеч шубҳа йўқки, миллий сиёсат ва дастурларнинг амалга оширилишини парламентлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги йилларда миллий парламентимизни ҳам Президентимиз раҳбарлигидаги демократик ўзгаришлар, иқтисодий юксалиш ва ташқи сиёсатнинг фаол иштирокисиз сифатида кўриш мумкин, албатта. Хусусан, халқаро алоқаларни мустақамлаш борасида сифат жиҳатидан янги, салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Етакчи хорижий давлатлар парламентлари, аввало, яқин кўшниларимиз билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлаш юзасидан аниқ натижаларга эришиляпти. Йирик халқаро парламент тузилмаларининг тўлақонли аъзоси сифатида нуфузли анжуманларга мезбонлик қилиб, муҳим тақлиф ва ташаббусларни дадил илгари сурмоқда.

ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНГАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ РАВИШДА СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛЯПТИ. ПАРЛАМЕНТИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙМОҚДА. ЖАҲОН МИҚЁСИДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТИШ, ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ПАРЛАМЕНТЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТЛАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУСТАҲҚАМ ҲАМКОРЛИК ТОБОРА РИВОЖЛАНМОҚДА.

Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадларига бағишланган Халқаро парламент форуми ҳамда Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари 14-саммитининг муваффақиятли ўтказилгани фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясини Ўзбекистонда ўтказиш ташаббусини билдирган эди. Швейцариянинг Женева шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ (ПИ) бош котиби Мартин Чунгон ва Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўртасида ПИнинг 150-юбилей ассамблеясини 2025 йил Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги битим имзоланди. Унга кўра 5–9 апрель кунлари Марказий Осиё тарихида илк марта Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси бўлиб ўтади.



Inter-Parliamentary Union
For democracy. For everyone.



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-YUBILEY ASSAMBLEYASI

Toshkent - 2025

ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИДА МУҲИМ ТАРИЖИЙ ВОҚЕЛИК

Парламентлараро Иттифоқнинг юбилей ассамблеяси мамлакатимизда ўтказилади

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ ҚАНДАЙ ТАШКИЛОТ?

Парламентлараро Иттифоқ 1889 йилда таъсис этилган бўлиб, халқаро ташкилотлар орасида ёши энг улугидир. Бу нуфузли ташкилот дунё парламентларининг етакчи халқаро органи сифатида мамлакатларни ўзида бирлаштирган. 1971 йилдан бунён бош қароргоҳи Женевада жойлашган. Шунингдек, АКШнинг Нью-Йорк ва Австриянинг Вена шаҳарларида ҳам идоралари бор.

Аъзо парламентлар ва уларнинг депутатлари ўртасида юксак кадрларни илгари сурадиган ушбу ташкилот барча миллатлар ўртасида ҳамкорлик ва мулоқотни рағбатлантириб келмоқда. Айна вақтда тинч ва ҳамжиҳат келажакни таъминлаш учун самарали қарорлар қабул қилиш йўлида хизмат қилмоқда. Тинчликни парламентлараро дипломатия ва мулоқот орқали тарғиб қилишга бағишланган мазкур ташкилот бугунги кунга келиб, 180 дан зиёд аъзо парламент ва 15 та ассоциациялашган аъзо билан ҳақиқий глобал ташкилотга айланди.

Шiori: Демократия учун. Ҳар бир киши учун. Шунингдек, ташкилот демократик бошқарув, институтлар ва кадрларни илгари суради, парламентлар ва парламентарийлар билан биргаликда халқнинг эҳтиёж ва озуларини ифодалаш ва уларга жавоб бериш учун ишлайди. Сиёсий мулоқот, ҳамкорлик ва парламент фаолияти орқали тинчлик, демократия, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқлим ҳаракати ва барқарор ривожланиш учун ҳаракат қилади.

Парламентлараро Иттифоқ дунё мам-

лакатларининг қонун чиқарувчи органлари учун глобал мулоқот майдони бўлиб, унинг доирасида муҳокама қилинган масалалар жаҳон ҳамжамияти эътиборига етказилади.

Бугунги кунда Парламентлараро Иттифоқнинг овози дунё бўйлаб тобора баланд янграмоқда.

АЪЗОЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоққа 1992 йилда аъзо бўлган. Мамлакатимиз 2017 йил 13 октябрдан ушбу ташкилотдаги аъзоллигини қайта тиклади. Бугунги кунда Олий Мажлисимиз Парламентлараро Иттифоқ билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

2019 йил 17 октябрда МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ИЛК БОР МАМЛАКАТИМИЗ ВАКИЛИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИНING АЪЗОСИ БЎЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ АКМАЛ САИДОВ 2020-2023 ЙИЛЛАР ОРАЛИГИДАГИ МУДДАТГА УШБУ ЮКСАК ЛАВОЗИМГА САЙЛАНДИ.

Албатта, Иттифоққа аъзолик парламентлараро мулоқотни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш, жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз ички ҳамда ташқи сиёсати, бой маънавий ва маданий меросидан, юртимизда

олиб борилаётган ислохотлардан хабардор қилиш имконини беради.

НИМА УЧУН АЙНАН ЎЗБЕКИСТОН?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳондаги 180 дан зиёд парламентни бирлаштирган ушбу нуфузли тузилма ўзининг юқори органи – ассамблеяни парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси мавжуд бўлган мамлакатларда ўтказилади.

Бу галги юбилей ассамблеянинг айнан бизнинг юртимизда ўтказилиши замирида ҳам соҳадаги ютуқлар акс этади, албатта. Аввало, Янги Ўзбекистондаги ислохотлар фалсафаси ҳам, ўз навбатида, «Инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиши» ҳамда 2030 йилгача мамлакатнинг барча белгиланган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишини таъминлаш ғояларига асосланган.

Бугун мамлакатимизда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга ўз вақтида эришиш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Қабул қилинаётган қонунлар, стратегиялар ва давлат дастурларининг миллий мақсад ва вазифаларга мослиги, шунингдек, соҳада олиб борилаётган самарали парламент назорати ҳам Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича тажрибаси бутун дунёга намуна сифатида тақдим этишга муносиб, деб айта оламиз.

Бу тажриба қашшоқликка, очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва яхши овқатланишга эришиш, қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривожлантириш, соғлом турмуш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Жорий йил апрель ойининг 5-9 санларида Tashkent City ҳудудидаги Конгресс-холл мажмуасида ўтказиладиган мазкур анжуманда дунёнинг 180 та мамлакати, 15 та кузатувчи давлат ҳамда 25 дан ортиқ халқаро ва парламентлараро ташкилотдан икки мингга яқин делегатлар иштирок этиши кутилмоқда.

Йигилишнинг асосий мавзуси «Ижтимоий ривожланиш ва адолат учун парламент ҳаракати» бўлиб, унда камбағалликни бартараф этиш, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, ижтимоий инклюзияни қўллаб-қувватлаш ва қарор қабул қилиш жараёнида камситилган гуруҳлар иштирокини ошириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинади.

ШУНИНГДЕК, МАВЗУ ДОИРАСИДА БУТУН ДУНЁ ПАРЛАМЕНТЛАРИ АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ, ҲУҚУҚ УСТУВРИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ВА ЎЗ ТАЖРИБАЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШАДИ. БИР ҲАФТА ДАВОМИДА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ КЎМИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ, ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТУРЛИ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНГАН.

Эътироф этиш кераки, Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясининг мамлакатимизда ўтказилиши парламентнинг ўртасида халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича ўзаро тажриба алмашиш, Ўзбекистон парламенти фаолияти билан танишиш, 2030 йилгача бўлган стратегияни амалга оширишда парламентлар иштирокини кенгайтириш, БРМга эришиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ёшлар имкониятларини кенгайтириш, иқлим ўзгаришига қарши курашишда парламентлар ҳамкорлигини кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтиради. Ва, албатта, аҳоли фаровонлигини бундан-да ошириш, инсон қадрли ва қимматини юксалтириш йўлидаги самарали қарорларни янада мустақамлашди.



Хусан ЭРМАТОВ,
Олий Мажлис
Сенатининг
Фан, таълим ва
соғлиқни сақлаш
масалалари
кўмитаси аъзоси

Жанубий Корея брендлари Россияга қайтмоқда

Жанубий Кореянинг LG компанияси Россиянинг Москва вилоятида жойлашган заводида ишлаб чиқаришни қисман тиклади. Украинадаги можаро бошлангандан бери тўхтаб қолган ишлаб чиқариш қувватлари яна фаоллаштирилди, аммо ҳозирча янги материаллар етказиб берилмаяпти.

LG таъкидлашича, бу қарор ускуналарнинг емирилишига йўл қўймаслик мақсадида қабул қилинган. Компания бош директори Чо Жу Ван «вазиятни диққат билан кузатиб бораётгани»ни ва санкциялар юмшатилган тақдирда, бозорга тўлиқ қайтишни истисно этмаслигини айтди.

Шунингдек, Samsung ва Hyundai Motor Group ҳам Россия бозорига қайтиш имкониятларини кўриб чиқмоқда, бироқ ҳозирча аниқ қарор қабул қилинмаган.



Эрдўғон Путинга ёрдам бермоқчи

Туркия президенти Ражаб Тойиб Эрдўғон Владимир Путин билан телефон орқали суҳбатда Россия ва Украина ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга кўмак беришга тайёр эканини билдирди.

Эрдўғон Анқара музокаралар майдони бўлиши мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, у Суриядаги можарони ҳам таъкидлади. Россия билан ҳамкорликни «минтақада барқарорликнинг асосий омили», деб атади.



Карл III тадбирларни бекор қилди

Буюк Британия қироли Карл III саратон касалига қарши даволаниш жараёнида юзага келган асоратлар туфайли режалаштирилган тадбирларни қолдирди. Бу ҳақда Букингем саройи хабар қилди.

76 ёшли монарх ҳозир Лондондаги Кларенс-хаус қароргоҳида бўлиб турибди. У ҳужжатлар билан ишлашни ва телефон орқали маслаҳатлар ўтказишни давом эттирмоқда.

Оламгир ОТАЁРОВ
тайёрглади

Европа Иттифоқи Россияга қарши янги – 17-пакет санкцияларини тайёрлашни бошлади. ЕИ дипломатларига кўра, жараён ҳозирча «дастлабки босқичда» ва тақлифлар ёзгача маълум қилиниши мумкин.

ЕИ Россияга қарши 17-пакет санкциялари устида иш бошлади

Бир қатор мамлакатлар Украинадаги можарони тинч йўл билан ҳал этиш бўйича халқаро уринишлар фаоллашганини ҳисобга олиб, муддатларга шубҳа билан қарамоқда.

Пакет тасдиқланишидаги асосий тўсиқ Венгрия бўлиши мумкин. Будапешт аввал ҳам санкцияларни узайтириш тақлифини рад этган ва бу гал ҳам вето қўйиши эҳтимоли бор.



ТОМОРҚАСИ БОР ҚАШШОҚ БЎЛМАГАЙ



«Томорқа» сўзи мен учун тинмай томиб турувчи ва асло тугамайдиган барака ҳовучини англатади. Ҳовуч эса фақат инсонларда бўлади. Бўлганда ҳам ҳар иккала қўл баб-баравар ишласа ва бир-бири билан бириктириб турсагина ҳовуч ҳосил бўлиб, ҳазина сақланади ва одамларга ризқ-рўз узатилади.

Томорқага эътиборли бўлиш, тупроқни асраш, унинг нэматларини аъзолаш, муқаддас сақлаш, қадрига етиш, ифлос қилмаслик, ерга худди жонли мавжудотга бўлганидек меҳр билан, тўғри амал ила қараш гоёси тарбиянинг асосларидан эканлиги, ўзбек одоб-ахлоқида бошқа халқларга нисбатан эрта-роқ шаклланиши тарихдан маълум. Деҳқончилик, боғбонлик илми ўзбекининг қон-қонига сингиб кетган.

«Нуроний» жамғармаси Фаргона вилояти, Бувайда тумани бўлими раиси Иzzатилла ота Эрнарзоров кўра, тумандаги 55 та маҳаллада 165 нафар нуроний бор ва уларга камбағаллик даражасида бўлган 625 та оила бириктирилган.

– Баъзи хонадонларга борганимизда «камбағалман», деган ер соҳибининг 10-15 сотихлаб экин майдонлари бўш ётганини кўрамиз, – дейди отахон. – Қўлга кетмон олиб, бироз белни бүкиб, ерга ишлов берилса, ҳосилдан ўзинг ҳам, халқ ҳам баҳраманд бўлади, дея уқтириб, фермер хўжалиқларидаги тракторлар ёрдамида ерларини ҳайдаб берамиз. Томорқасига картошка, помидор экомқи бўлган оилаларни қўчатлар, уруғ билан таъминлайми. Меҳнатга лаёқати бўла туриб, иштиёқини «хайбаракалло»га бериб қўйган кишиларни инсофга келтириш билан бандимиз. Шу билан бирга, Бувайдамизда бошқаларга ўрнат қилса арзиғулик одамлар ҳам кўп. Ҳасанқўрғонча қишлоғида икки оёғидан ҳам ажралган Ўлмасжон исмли бир йигит яшайди. Жуда ажойиб бола. Ҳимматли кишилар ёрдами билан унга протез оёқ қўйилди. Ҳозир у томорқасида каттагина мевали боғ ташкил қилган. Биз Ўлмасжонни аҳоли билан бўладиган учрашувларга олиб борамиз. Унинг қилаётган ишлари ҳақида гапириб, тўрт мучаси соғу аммо ялқов одамларга намуна қилиб кўрсатамиз.

Томорқанинг 5 сотихида 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига иссиқхона ташкил қилиб, 300 миллион сўм даромад топан юртовшимиз Олимжон Сатторов ҳам шу туманинг «Тепалик» маҳалласидан. Маҳаллада ўндан ортиқ иссиқхона бўлиб, Олимжон омилкор боғбонларга эртапишар кулупнайни парваришласа, етиштириш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, маслаҳатлар беради. Бундан ташқари, у келгусида фаолиятини янада кенгайтириб, ҳозирча фақат ички бозорга чиқараётган ҳосилни хорижга экспорт қилишни ҳам мўлжалламоқда.

Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманида яшовчи нуроний Абдумурод Турдиевнинг томорқасига одамлар ҳаммиша ҳавас билан боққан. Маҳалладошлари унга «Бой бўва!» деб мурожаат қилишди. Отахон иссиқхонада лимон етиштириш ҳадисини олган.

– Дастлаб ишни 14 сотих ерга иссиқхона қуриб, лимон парваришладан бошлаганимиз, – дейди у. – Ҳозир иссиқхонамиз майдони 1 гектардан зиёдроқ. Уғилларим, келинларим ва набираларим аёлим иккимизга кўмакчи. Бу қишда 25 тонна лимон сотдик. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлди. Келгусида янада кўпроқ ҳосил олиш учун ҳозирданок ҳаракатни бошлаганимиз.

Ўзбек халқи кекса нуронийларни ер илмининг пири дейишади. Уларнинг йўл-йўриқ ва кўрсатмаларига амал қилиб, деҳқончилик ҳадисини олиб, фойдани бир неча баробарга ошириб, ҳам халқнинг, ҳам оиласининг дастурхонига, рўзғорига кут-баракат киритаётган омилкор деҳқонлар кўпайиб бораётгани бор гап.

Мухтарам Президентимиз томорқадан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бағишланган селектор йиғилишида томорқасида даромадли маҳсулот етиштиришнинг янги тизимидан унумли фойдалана олган уста деҳқон, Қорақалпоғистоннинг Қораўзақ туманидаги «Маданият» овул фуқаролар йиғинида яшовчи Генжемурад Турдимуратовнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланган эди.

Бир омилкор тадбиркорга бундай юксак мукофотнинг берилиши ортида миришкор деҳқоннинг қанчадан-қанча меҳнатлари, кексалар ва маҳалла етилигининг узаро кўмаги ётибди. Қолаверса, Қорақалпоғистон шароитида, айниқса, Қораўзақ туманининг энг олис ва оғир худуди бўлган «Маданият» овул фуқаролар йиғинида сув таъминлиги ва шунга ўхшаш ноқулайликларга қарамай, ўз иссиқхонасидан бир йилда 4 марта ҳосил олган Генжемурад Турдимуратовнинг иш тутумлари, меҳнатлари, чиндан ҳам, тадбиркор аҳлига намуна бўлгулик.

Тадбиркор иссиқхоналарида помидор, бодринг, бўлғор қалампир ва биогумус етиштирмоқда. Сўнгги уч йилда иссиқхонадан 24,2 тонна помидор ва бодринг йиғиб олиб, 116,8 миллион сўм фойда кўрди. Қолаверса, у «Яшил макон» умумийлик лойиҳаси доирасида 1500 туп мевали ва манзарали дарахт қўчатларини ўтказиб, яшаб турган худудининг ободлиғига ўз хиссасини қўшди.

– Бошланишида 1 сотих ерда ёғочдан кичкинагина иссиқхона қилдим, натижасини кўриб, иссиқхоначиликка янада қизиқиб қолдим, – дейди Генжемурад Турдимуратов. – Кейин уни замонавий қилиб қайта қурдик. Биогумусни эса илгарилари сотиб

олардик, топан фойдамизнинг деярли 30 фоизи шунга кетарди. Уни ҳам ўзимиз етиштиришни йўлга қўйдик. Сув масаласи жуда мураккаб муаммо эди, томчилатиб суғориш тизимига ўтдик. Аҳамиятисини, бу усул иқтисодий жиҳатдан анча фойдали. Иссиқхона фаолияти учун имтиёзли кредит асосида яна 36 сотих ер олдим.

Тадбиркорлик ортидан «ошиғи олчи» бўлиб бораётган Генжемураднинг ишидан барака топишда отаси Давлатмурат Турдимуратовнинг ўрни бекидс. Ота 5 фарзанднинг ҳаммасини ёшлигидан меҳнатсевар қилиб тарбиялаган. Ўзи ҳам, нафақадан бўлса-да, томорқасининг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб, ҳар хил манзарали дарахтлар экиб, деҳқончиликни ўринлатиб қўйганини бир қарашдаёқ билиш мумкин.

Генжемурад устозларини алоҳида тилга олиб, «Менинг биринчи устозим – отам. Қолаверса, атрофимиздаги меҳнат фахрийлари, маҳалламизнинг «Кексалар маслаҳати» гуруҳи аъзолари Одилбой Қурбанбоев, Қадирбой Сейтмуратов каби нуронийлар, фермер кўшим Нариман Қалендеровлардан ҳам деҳқончилик сирларини ўргандим», дейди.

Томорқа маданияти инсоннинг тўқ яшаши, умр бўйи тоза ҳаво ва табиий нэматлар, хушбўй гуллар атридан баҳрамандлиги, доимий кўшимча даромад олиб, бирова қарам бўлмасдан бола-чақаси фаровонлигини таъминлай билиши, инсоний қадр-қиммати белгилайдиган мезонлардан бири демакдир.

Уз ҳовлисида, маҳалласида, мактабининг боғларида олмалар, гилослар, шафтолилар гуллаганини кўрган болалардан буюк донишмандлар, шоирлар, мусавирлар етишиб чиқади. Лимонлар, анорлар, хурмолар, гилосларнинг шоҳларидан эгилиб, салат бериб туриши юракларидан эзгу туйгулар – Ваганга муҳаббат тўшунчасига йўл очади. Қирмизи олмалари, олтиндек товланган узумлари, минг даргда даво ўриқлари, анжирлари, хушбўй зираворлари, қадимдан «юрракнинг олтин олмаси» деб аталган помидорлари, бодринглари бўлган, дарвозасидан деразасигача гулларнинг муаттар ифори таралиб турган хонадондан бойлик аримайди.

Бир сўз билан айтганда, томорқаси борлар қашшоқ бўлмайди.

BAYRAMONA TAKLIF

10 GB

10 000 so'mga

Amal qilish muddati 5 kun

***500#**

28-martdan 2-aprelgacha (jumladan shu kun) amal qiladi

UZTELECOM MOBILE

Хизматлар лицензияланган

Илгари йиғилиш ёки тўғаракларда қатнашганда, хиёбонларда сайр қилганда гоҳ-гоҳида кўзойнак тақиб юрганларга кўзимиз тушарди. Ҳозир эса... Ҳар қадамда кўзойнаклига дуч келамиз. Минг афсуски, уларнинг катта қисмини ёшлар ва ҳатто мактаб ёшидаги болалар ташкил этади.



КАСАЛЛИКЛАРИ НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 2 миллиарддан зиёд инсонлар кўз касалликлари, кўриш қобилиятининг бузилиши ёки кўра олмаслиқдан азият чекишади. Уларнинг бир миллиарддан ортиғида кўз касалликлари унинг олдини олмаслик ва даволанмаслик натижасида вужудга келган. Бу кўрсаткич, яъни кўз касалликлари билан касалланиш даражаси мамлакатимизда ҳам анча ачинарли ҳолатда.

Статистика агентлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1 миллион 50 минг 200 нафар фуқарога биринчи марта кўз ва унинг қўшимча аппарати касалликлари ташхиси қўйилган. Бу 2019 йилга нисбатан қарийб икки баробар кўп. Ушбу беморларнинг 58 миңдан ортиғи биринчи марта узоқни кўра олмаслик даражасига учраган. Уларни ёшга нисбатан таққослаганимизда, 14 миң 900 нафари 14 ёшгача бўлган болалар, 11 миң нафардан ортиғи 15-17 ёшли ўсмирлар, 32 миң 600 нафари 18 ва ундан катта ёшдагилардир. Бундан ташқари, катаракта аниқланган 25 миң нафардан зиёд одамнинг 1000 нафардан кўпроғи 14 ёшгача бўлган болалардир.

Хўш, қайси омиллар кўз касалликларига сабаб бўлади? У нимага болалар орасида ортомоқда? Олдини қандай олиш мумкин?

– Сўнгги пайтларда аксарият юртдошларимиз кўз ва унинг қўшимча аппарати касалликлари, жумладан, кўзининг тўр пардаси, кўз ичи қон кетиши, миопия, гиперметропия, кўз яллиғланиши касалликлари, узоқни кўра олмаслик бўйича мурожаат қилишмоқда, – дейди Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ташкилий-услубий бўлими мудири, катарактолог Мурод Тимуров. – Афсуски, улар орасида ёшлар ва болалар ҳам кўп.

Статистика маълумотлар ва таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда болалар ва ўсмирлар орасида асосан кўриш қобилиятининг пасайиши, миопия, гиперметропия каби касаллиқлар авж олган. Албатта, бу бир қатор омиллар билан боғлиқ. Ҳомилидорлик даврида она шифокор тавсиясисиз дори-дармонларни қабул қилиши ҳам боланинг кўриш органлари заифлашишига олиб келади. Ҳомилидорликнинг дастлабки уч ойида она шифокор тавсиясисиз ҳеч қандай дори-дармон ичмаслиги керак. Шунингдек, қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳам кўз касалликлари келтириб чиқариши мумкин.

Кўз ва унинг қўшимча аппарати касалликлари вужудга келишига сабаб бўладиган яна бир асосий омил – мобил телефонлар, компьютерлар, телевизор ва ахборот технологияларидан нотўғри ва меъёридан ортиқ фойдаланишдир. Унутмаслик кераки, уяли телефондан меъёрдан ортиқ фойдаланиш, телевизорни доимий ва нотўғри кузатиш болаларнинг кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади.

Европалик олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, компьютерда кунига уч соатдан кўп ишлаш кўриш қобилияти пасайишидан ташқари, организмнинг чарчаши, асаб тизими ва қон айланишининг бузилиши, нафас олишнинг ёмонлашиши, бош оғриғига ҳам сабаб бўлиб, инсонга психологик таъсир кўрсатади.

– Мутахассис сифатида кўзлар соғломлиги учун қандай тавсиялар берасиз?

– Кўз саломатлиги умумий саломатлигимизнинг муҳим қисмидир ва унинг касалланиши ҳаёт сифатимизга таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун кўзни мунтазам текширувдан ўтказиш, бирон-бир аломат пайдо бўлганда тезда мутахассисга мурожаат қилиш зарур. Эрта ташхис қўйиш ва тўғри даволаш, муайян спорт машқларини бажариш кўриш қобилияти заифлашиши олдини олади. Бундан ташқари, соғлом овқатланиш муҳим аҳамиятга эга. Танада А ва Е витаминлари етишмаслиги ҳам кўришнинг пасайишига олиб келади. Сарик рангли мевалар, дуккақлилар, гўшт, балиқ ёғи, сабзавот ва суддан тайёрланган бошқа маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш бундай касаллиқларнинг олдини олишга хизмат қилади. Компьютер олдига кўп ишлайдиган одамлар иш режасига амал қилишса, фойдадан холи бўлмайди. Йилига бир марта кўз шифокори кўригидан ўтиш керак. Шунингдек, компьютерда ишлаётганда махсус кўзойнақдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки бундай кўзойнақлар кўзни мониторингдан чиқадиган электромагнит нурланиш таъсиридан ҳимоя қилади.

Фаридун ЙЎЛДОШЕВ,
журналист

Эълон
24.02.1993 йилда Сайидкулова Салоҳат номига берилган 04-02/14114 рақамли мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raam bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Dovore» gazetalarini tahrir hayati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hayati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Dovore»)

Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Suhonkardaryo viloyati – (+998-99) 379-90-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Haydarov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:30
Topshirildi – 22:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 32 463 ta

Shundan: 6 275 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 277 nusxasi

«Erudiv» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 914 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazetaning poligrafik jihozdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning etkazib berilishini uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma G-311

1 2 3 4 5 6

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!

Юлдуз Усмонова ижросида
«ДУНЁ» қўшиғи

Сўзим тингла, дунё, бир мuddат,
Бунчалар ҳам ишларинг галат.
Ёмонларга қилдинг мурувват,
Тарзингни қандоқ кўрсан,
Яхшиларни ғамларга кўмиб,
Бир кам дунё, бир кам дунёсан?

Охунжон Ҳақимов шеъри